



ҚАЙТИШ

Бундан етти-саккиз йил муқаддам мен латвиялик шоир дўстим Улдис Берзиншни Хоразмга олиб борган эдим. У туркшунос бўлгани учун, уни ўзбек адабиётигина эмас, халқимизнинг туриш-турмуши, ўтмишга муносабати ҳам қизиктарар эди. Хивага бораётиб, йўл-йўлакай Огохий мазорини ҳам зиёрат қилмоқчи бўлди. Мен Хоразмдан бўлатуриб, илтимоси қаршидада ожиз қолдим. Мен унга бу улуг шоирнинг қабри қаердалигини биладиган одам жуда кам, деб айтолмадим. Ҳазил билан кутулмоқчи бўлдим: “Бизда улуг шоирлар шу қадар кўп-ки, агар ҳар бирига алоҳида мрамар лавҳа қўядиган бўлсак, нафақат жумҳуриятимиздаги мрамар конлари, ҳатто уни қўйишга ер ҳам етмаган бўларди. Чунки, ерни пахтадан

бўшатиб шоирлар хотираси учун қурбон қиладиган мард бизда йўқ”, дедим.

Бу аччиқ ҳазил эди. Аслида, ҳатто ўзбекдай иқтидорли халқда ҳам буюк шоирлар йўлда сочилиб ётадиган даражада кўп эмас. Уларнинг хотирасини дахрийларча унутиш даражасида истеъдодга бойиб кетганимиз йўқ.

Усмон Носир ҳам унутиш мумкин бўлмаган шоирлардан эди.

У йигирма тўрт ёшда – деярли бола – ўз ижодини сарҳисоб қилиб кетди. Деярли ўсмир, у фавқуллодда шухрат қозонди. Замондошларининг айтишича, ёзувчилар 25 йиллигини нишонламоқчи ҳам бўлишган эканлар. Усмон Носир адабиётда ўзини улкан шоирдай сезган, чунки, шоир ҳам эди.

У Абдулҳамид Чўлпон каби улуг шахсга баҳо бериб, “Бу одам буюк шоир, аммо, афсуски, қарияпти”, дейди. Унинг бу сўзларида улуг шоирга чуқур ҳурмат билан бирга ўзини паст кўрмасликка интилиш ҳисси сезилиб турибди. Чўлпон билан ёнма-ён туриб, ўзига ишона оладиган шоирлар кам эди, аммо Усмон Носир шундай шоирлардан эди.

Унинг йиллар шеърияти, яъни, инқилобни кўтара олмаган, аммо уни ўз ғоялари билан бутинан тайёрлаган жадидлар шеърияти адабиётимизда чуқур из қолдирди. Усмон Носир шеърларини ўқир эканмиз, унда Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон шеърияти таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Лекин, бари бир, Усмон Носир янги давр шоири эди. У зулматдан

учиб чиққан бир куш каби дафъатан пайдо бўлди. Аммо, у ўзини яна зулматга учиб бораётганини умрининг охиригача сезмади. “Халқлар отаси” деб ном олган Сталин, инқилобнинг 20 йиллигига ўзига хос армуғон билан келди. Яъни, бу тўй шарафига мамлакатимизнинг гуллари саналмиш зиёлилари қурбонлик келтирди.

Чақимчилар, сотқинлар байрам дастурхони атрофида гирдикапа-лак бўла бошладилар. Қассоблар ўз пичоқларини қайраб, буйруқни адо этишга уннадилар. Ўттиз еттинчи йил – Сталин қирғинининг чошгоҳи яқинлашиб келарди. Чўлпон “миллатчи” сифатида биринчилар қаторида ўлимга маҳкум этилиши муқаррар эди. Абдулла Қодирий ҳам шундай: Фитрат ҳам бундан мустасно эмас эди. Усмон Носир-чи? Наҳотки, у ҳам миллатчи бўлса? Йигирма тўрт ёшда-я? Тўғри, ёш. Аммо истеъдодли. Унинг шеърларини одамлар ёддан билардилар. Лермонтовнинг “Демон” поэмасини таржима қилган. Шоир ўз тилини, ўз маданиятини севади. Ўз халқининг тарихи билан фахрланади. Бундай одам миллатчи бўлмаслиги мумкин эмас...Репрессия (қирғин) бошқармасининг фикри шундай эди.

Усмон Носир машғум бошқарма шахидлари орасида энг ёш шахид эди. Усмон Носирнинг ўз ватанига қайтиш муддати узоқ давом этди. Мана, ниҳоят, у бутунлай қайтиб келди.

Хуш келибсиз, Ватанингизга,
Шоир!

Мухаммад Солих, 1988

ДИКТАТОРНИ МИЛЛИОНЛАГАН ЖОҲИЛЛАР ТЎДАСИ ЯРАТАДИ, ХАЛҚ ЭСА УНИ АҒДАРАДИ

Эсингиздами Каримовни мақтаган тошкентлик русийзабонлар, наманганлик муллалар ва самарқандлик ўқитувчилар.

Жумабой деган каллаварам хоразмлик шоир, президент Каримовга бағишлаб шеър ҳам ёзган эди.

Хивалик гиламчилар Каримов башарасини палос ва

ғолилаларда акс эттиришди.

Сизга отилган ўқ менга тегсин деб 16 феврал дийдиё қилган хотиннинг ўғли ваҳобий дея айбланиб қамоқда ётибди.

Бир фоҳиша билан гаплашганимда ўғлим Каримов каби президент бўлсин деб орзу қилишини айтган эди.

Илойим бу орзу ушалмасин.
Миллат бошига бошқа муста-

бид келмасин. Диктаторни тўда яратади аммо ХАЛҚ уни ағдаради. Бу халқнинг сони 30 миллион эмас балки қўлимиздаги бармоқларимиз каби санокли бўлсада.

Миллионлаб нафар тўда ва оломон ҳашаротлар каби нон дея нон дея қўлларида турмуш занжирлари билан босароқ кечинаркан, миллатнинг санокли ойдинлари диктаторни ағдаришни ўйламоқда.

Уларга шон ва шарафлар бўлсин.

Шухрат Бобожонов

Бугун Каримовнинг сиёсий “ошхона”сидаги бўлиб ўтган ва бўлажак воқеалар, кишилар онгига жуда тез ўрнашяпти. Кўпчиликнинг сиёсий фикрлашида, шуҳбасиз, бурилиш пайдо бўлаёпти. Яъни, халқда “Каримов ва Каримовлар оиласига ҳам, бало келар эканда”, деган фикр пайдо бўлган.

Каримовнинг диктатура “илми” ўзгармасдир. Марказий Осиё мамлакатларида, бир биридан унча фарқ қилмайдиган диктаторлик тузумлари мавжуд. Бу тузумларнинг моҳияти — диктаторлар ва мулозимларининг халқ меҳнати эвозига катта даромадлар билан яшашлари “қонун” даражасига кўтарилганидир. Бундай тузум сиёсатда “коррупциялашган мамлакат” деб аталади. Каримов, бош бўлган Ўзбекистон — ўта коррупциялашган мамлакатдир.

Дунё ўзгараяпти. Каримов ўзгармади. 76 ёшни қаршилаган Каримовнинг замонга қараб ўзгариши энди мумкин эмас. Чунки бу ёшда инсон тинч ва осойишта, ўғил қизларининг ардоғида, набиралар қуршовида, қурган иморатида ва маҳалла аҳли билан иноқликда яшаши мақсадга мувофиқдир.

Бошқарувда кучи етмай қолган, дунё сиёсати моҳиятига амал қилмайдиган ва қилолмайдиغان, қаттол жиноятларига жавоб беришдан қўрққан Каримов ўзининг яшаш манзилини ўзгартирмоқчи эканига кўпчилик ишонди.

Ўз билгани билан иш қўришга ўрганган “юртбоши”, ўз манфаатларини халқ манфаатидан хамина устун қўйган. Каримовнинг бугунги руҳий аҳволи банкрот бўлаётган иложсиз бизнесменнига ўхшайди.

У қилаётган амалларда сал имилласа ёки сал янгиланса, шахсининг ва оиласининг катта фожеага дучор бўлиши муқаррардир. Шунинг учун ҳам у фавкулотта шошилиш равшда фикрлаши ва ишлаши керак. Бу, албатта, катта жисмоний ва аклий куч талаб қилади.

Каримов бу вазиятидан чиқишнинг бирдан бир йўли элдан йироқда яшаш, деб тушинади. Чунки, у ҳеч қачон ўзбекчилик билан яшамаган. Миллатни севмаган. У ҳаёт мазмунини қаерда бўлмасин тинч, тўкин ва кўнгилхушлик билан яшаш деб биларди.

Аллоҳ кўргувчидир. Аллоҳ билгувчидир. Аллоҳ кечиргувчидир. Халқимиз Каримовга элдан эмас, “тахтдан кет”, деяпти. Бу эл барчамизники. Бу элда туғилдик. Шу элда ўлсак, ҳар биримиз учун улуғ неъмат ҳисобланади.

Кексайган чоғимизда беминнат хизматчини, осойишта ҳаётни, яқинлар билан тотувликни, тўкин дастирхонни ва эл иззатини Аллоҳдан тилаш

керак. Кечиргувчи Аллоҳ, Каримовнинг гуноҳларини ҳам кечирар. Бандаси ҳам кечиради. Бунинг учун у ўзининг қолган умрини тоат-ибодатда ва яхши ниятлар билан яшаши керак. Қундалик беминнат лукма учун, миллиардлаган молу мулкнинг ва президент бўлишнинг кераги йўқ. Шунинг учун мен Каримовга ўзи туғилиб ўсган мамлакатда, президент лавозимсиз яшайверишини тавсия қилган бўлардим.

Г.Каримовнинг, дунё банкларида сақланаётган пулларини йиғиб, офшор зонага ўтказиши, таёргарликнинг биринчи этапи экан. Катта пулни йиғиб, бирор мамлакат банкларига уларни

ЭР ЭЛ ИЗЛАМАЙДИ

муоммосиз ўтказиш, яна оиланинг шу манзилга эсон-омон етиб келиши, бу қийин масала.

Энг аввало, Ўзбекистон миллати, бу жараёнларни сезмаслиги ва сезганда ҳам парво қилмаслиги керак. Миллатимиз бундан 10 йил илгари, бирор ўғрининг катта пул ўмараётганини эшитса, “қандини урсин” деб қўяверарди. Ўғрига мазза бўлган. Бугун, мамлакатда кечаётган ва косасини оқартирмаётган коррупциядан миллатимиз зада. Каримов ташаббуслари билан, амалга оширилаётган “Қайдасан Аргентина” режасини, халқимиз қўллаб қувватламаслиги мумкин. Каримов учун бу ҳам бир бало.

Каримов йўқдан тўқиш принципи билан ўзбеки террорчи қилди. Террорчиликда “гумон” қилинганларнинг кўпчилиги қамокқа ташланди. Туппатузук инсонлар четга қочишга мажбур бўлдилар. Режимдан ва Каримовдан ғазабланган ўзбек йигитлари энди четда реал жангариларга айландилар. Бу жангариларнинг асосий қисми Афғонистонда деб эшитаман. Пайдо бўлишига Каримовнинг ўзи сабабчи бўлган бу террорчилар. Чет элда Каримов бу жангариларнинг хужумига учраши эҳтимоли катта.

Президент ўзининг 24 йиллик фаолияти давомида, кўпчилик атроф мулозимларини зор қакшатган. Зор қакшаган инсонларнинг кўпчилиги хозир хорижда. Уларнинг кўпчилигида пул ҳам бор. Ўз ваколатини ўзи тугатаётган Каримовни шу пулдор шахслар ҳам бир балога грифтор қилиши аниқ. Бу яна бир бало.

1979 йил Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий тахтдан кулади. Америкага суяниб, Эрон халқини талаган ва хўрлаган шоҳ АКШга ва бошқа мамлакатларга сиғишмай қолди. Қайта ва қайта уюштирилган суюқасдлардан қаттиқ асабийлашган М.Р.Паҳлавий Мисрнинг бир клиникасида тўсатдан жон берди. Мутлоқо дабдасиз дафн қилинди. Бу воқеани шу ерда айтиб ўтиш жойиз билдим.

Агар президент қочиш учун чомоданини тахлашга аҳд қилган бўлса, ишининг ҳақиқатдан ҳам дабдаласи чиқибди. Яъни, мамлакатдаги сиёсий вазият президентга буйсунмай қолибди.

Вазиятни бошқаришни ким қўлига олиши мумкин?

Кўпчилик, албатта куч ишлатар тизмларини кўрсатишади. Бу нотўғри фикр. Куч ишлатар тизимлари мамлакатда фақат тартиб интизомни ва инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган.

“Келажаги буюк давлат”ни ҳеч қачон куч ишлатар тизимлари бошқармайди. Бу мактабни биз 24 йил давомида ўқиб чиқдик. Мободо, улар

бошқарса, халқ билан куч ишлатар ходимлари орасидаги зиддият кучаяди. Унда, муаммо қурол ёрдами билан ечилиши муқаррар.

Бундай машмашанинг куч ишлатар тизими ходимларига нима кераги бор?

Абсолют қўрқинчли ва “абдий” президентнинг бирданига йўқолишидан халқ енгил тортиб қолади. Каримов ўрнига ўрнашган шахс, қандай жаллод бўлмасин, элни бошқаролмай қолади. Чунки, унда ҳали “оборў” етишмайди.

Шу фурсатта, халқда тўсатган инқилобий руҳ (бебошлик) пайдо бўлади. Ироқда ва Қирғизистонда бу руҳ, халқнинг дўконларга ўғирлик уюштирилгани билан ифода қилинди. Украинада, Юшконинг миллатпарварлиги, халқни ҳал қилувчи митингга руҳлантирди. Бизда эса бу кескинлик, халқнинг ёхуд бизнесчиларнинг қонини сўрган, порахўр ҳокимият “эгаларига” қаратилиши муқаррар. Ҳокимият эгалари, бу вазиятни бугунда ҳам сезаяптилар. Бу ҳолат Ўзбекистонда кескин сиёсий хаосни келтириб чиқаради. Бу хаосни, фақат халққа яқин бўлган сиёсий кучларгина бартараф қиладилар.

Бу вазиятда, куч ишлатар тизимлари халқ тарафида туришлари керак. Ўз сиёсий мафқуралари билан, ҳокимият тепасига чиқишни кўзлаган сиёсий ҳаракатларни ҳимоя қилишлари керак. Ана шунда, неча ўн йиллар ўзига раҳбар танлай олмаган ўзбек миллати, ўзининг жонкуяр ва мард элбошисига эга бўлиши мумкин.

Каримовнинг тахтдан ва элдан қаерларгадир кетиши, мамлакатни диктатура режимидан адолатли жамиятга ўтиш жараёнини енгил ёки оғир кетишини таъминлайди. Каримов ўз умри интиҳосида ўзбек халқининг тарихида унитилмас бир воқеанинг сабабчисига айланиши мумкин. Яъни лавозим қолдиғи билан ўз ваколатини халқ ташкил қилган муваққат ҳукуматга топшириши мумкин.

Нуратдин



Бир ҳафта аввал Ўзбекистон ва Марказий Осиё сиёсатини фаол ва танқидий кўз билан ёритиб келувчи қатор халқаро вебсайтлар хакерлар ҳужумига учради ва ёпилиб қолди. Фаргона.ру, Узметроном, Cental asia news сайтларига DoS ҳужумлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилди. Узметроном сайти бугун ҳам ёпиқлигича қоляпти.

Д.КИСЛОВ: "САЙТИМГА DOS ҲУЖУМИНИ ГУЛНОРА УЮШТИРГАНИГА ИШОНАМАН"

Айни дамда бу сайтлардан ўз фаолияти билан кескин фарқ қилган Ўзбекистондаги "Народное слово" нашри сайти ҳам хакерлар ҳужумига қурбон бўлди.

Фаргона.ру сайтнинг муҳаррири, Москвада фаолият юритувчи журналист Даниил Кисловнинг бизга айтишича, хакерларнинг изини аниқлаш ўта қийин, лекин у ҳужум ташаббуси Ўзбекистондан чиққанига ишонади. Биз ундан аввало ҳодиса тафсилотини сўрадик.

Кислов: Биз ўтган 10 йил давомида ўн марта DoS ҳужумига учрадик. Утган ҳафтада бизга қилинган ҳужум энг кучлиси бўлди. Аввалига бир неча синов зарбалари берилди, душанба кунига келиб эса DDoS ҳужумига учрадик, яъни дунёнинг турли бурчакларидаги кўплаб компьютерлардан мурожаат қилина бошланди ва серверларимиз ишдан чиқди. Биз бу ҳужумни тўхтатишга киришиб кетдик, албатта, лекин икки кун серверимизни тиклай олмадик ва ишимизни давом эттира олмадик.

Би-би-си: Бу каби ҳужум ортида ким турганини аниқлаш мумкинми? Бу сафар сизнинг сайтингизга бўлган DDoS ҳужуми ортида ким турибди деб фараз қиласиз?

Кислов: DDoS ҳужуми оддий бир хакернинг иши эмас, у ўта мураккаб техник амал. Бу каби ҳужумнинг ташаббускорлари ёки унинг учун пул тўлаган одамларни топиш жуда ҳам қийин. Деярли имконсиз. 99,99 фоиз имконсиз дея оламан. Авваллари ҳужумларга учраганимизда биз обрўли халқаро ташкилотлар ва тадқиқот марказларига ёрдам сўраб мурожаат қилганмиз. Қизиғи шуки, бу ташкилотларда ҳам хакерлар ишлашади. Улар бошқа хакерларнинг ишини таҳлил қилишади. Бу ўта нозик, ўта синчков мутахассислар. Улар ойлаб ҳужумчиларни топишга уринишди, лекин топиша олмади. Лекин, ким бу каби ҳужумларни буюриши борасида фаразларни илгари суришимиз мумкин. Бун-

га бизда мантиқий асослар бор, лекин далил-исботимиз йўқ. Масалан, 2005 йилги Қирғизистон инқилоби даврида биз қатори кўплаб мустақил сайтлар бошига ёғилган ҳужумлар ҳақида гапирсак, ўша пайтда бунинг ортида Асқар Акаевнинг режими тургани кундек ойдин эди. 2010 йилда эса иккинчи инқилоб юз бераётганида Бакиевнинг режими хакерлик ҳужумларини амалга оширди. Бугунда эса Ўзбекистон президентининг оиласига бўлган матбуотдаги қизиқишни ҳисобга олсак, бу охириги ҳужумлар ортида Гулнора Каримовага яқин доиралар турган бўлиши мумкин деб ишонч билан айта оламан. Бундай деб фикрлашимга яна бир асосим шуки, у Твиттерда менинг номимдан сохта саҳифа очди ва уни Даниил Кисляк, Фергана.ру агентлиги деб номлади. Гулнора ўзи биринчи бўлиб бу сохта саҳифа билан мулоқот қилишни

бошлади. Унинг мулоқотларидан айнан менинг номимни булғашга уринаётгани аниқ бўлди. Масалан у Даниил Кислякдан сўрайди: «Мана буни чоп қиласизми?» Даниил Кисляк эса жавоб қайтаради: «Албатта, соққа бўлса, чоп қиламиз. Фергана.ру фақат соққага ишлайди» ва ҳоказо. Ушанда мен тушуниб етдимки, бу хонимнинг, кўполлигим учун уэр сўрайману, томи кетган. Унда менинг саҳифамда чоп қилинган мақолаларда шунчалар ғазабланганки, унда теран фикр юритиш қобилияти қолмаган афтидан. Мен ҳам ўнлаб марта ундан интервью беришини сўраб, таъбир жоиз бўлса, арслоннинг думидан тортганман. Бугун ҳам мурожаатларимини давом эттираяпман... Шундай экан, менга қарши ҳужумлар Ўзбекистондан амалга оширилаётганига ишонаман.

Би-би-си: Лекин, сиз айтгандек, аниқлик билан DoS ҳужуми ортида ким турганини таъкидлаш имконсиз. Мана, масалан, Ўзбекистондаги «Халқ сўзи» нашри сайтига Бангладешдаги хакерлар ҳужум қилгани даъво қилинапти. Лекин, бу ҳеч нимани англатмайди. Чунки, Бангладешлик хакерларга ўзбек нашрининг қизиғи йўқ. Аслида бу ҳужумни буюрган одам сояда қолиб кетаверади. Шундай экан, хакерлар изини топсангиз ҳам, бу излар сизни ташкилотчига етаклаб бормаиди, шундай эмасми?

Кислов: Мутлақо етаклаб бормаиди. Чунки, хакерлар айлана йўллардан фойдаланишади. Бу ҳужумлар Молдавия, Жанубий Африка ё Бангладешдан амалга оширилиши мумкин. Чунки интернет бир яхлит нарса, ва ундаги ҳужумни дунёнинг истаган жойидан йўллаш мумкин. Хакерлик ҳужумини амалга ошириш сизга қимматга тушмайди, интернетда бемалол хакерлар эълонларини топиб, масалан бизга қилинган ҳужумни кунига 500 доллар тўлаб амалга оширишингиз мумкин.

bbc.co.uk/uzbek/

ЎЛИМНИНГ ВАСФИ

Шохлар ўз тахтидан

тушганин кўрдик,

Харобага дўнмиш

боғлар ҳам сўлим.

Охири барчамиз хулоса қилдик:

«Энг катта мавъиза

аслида ўлим!».

У устун бўларкан, енгилмас экан,

Истаган пайтида

буюрар таъриф.

Фақат ўлиб кетган инсонларгина

Унга айтолурлар холис

бир таъриф.

Бу таъриф шундайки,

унда йўқ алдов,

У бировга келмас икки буклиб.

Ўлим дунёдаги энг ноқулай ёв,

У уруш очмагай вақт эълон қилиб.

Куръонда таърифи келганидек, у

Фақат олдимиздан

қарши чиқаркан.

Дунёнинг юз карра чемпионин ҳам

Оддий бир зарб билан

ерга йиқаркан.

Ўлимни ўлдириб бўлмас ёронлар,

У бизга тегишли бўлмаган олам.

Индамай бош

эгмиш соҳибқиронлар,

Биз билмас тезликда

ўлим келган дам.

Ўлим келганида

қолмай биттамиз,

Ҳаммаси йўқ

бўлди ганиматларнинг.

Ўлим шарбатини тотмоғлигимиз

Ҳақиқатроғидир ҳақиқатларнинг.

Ўлим бир қуларкан,

бир йиғлар экан,

Мўмин ҳузурда кўзида кулгу.

Бақиртириб жонни

сугурганида

Кофир юзларидан

сапчийди қайғу...

Одам Ато тушган даврдан буён

Ўлим савдосига изн берилган.

Қандай мавқеларда яшамасинлар,

Барчаси қабрга бир-бир терилган.

Аллоҳ элчилари ўлдилар, шунинг

Ўзи етарли бир ҳикматдир бизга.

Кунига қабрга қираётганлар

Энг катта маъруза,

ибратдир бизга.

Агар биз ўлимдан ибрат ололсак,

Бошқа бир даъватнинг

бўлмас кераги.

Ўлимдан насиҳат олмаганидан

Тўхтаса яхшидир инсон юраги...

Хайрулло Ҳамидов



Фарғона шаҳрида 17 ноябрь куни эрталаб милиция патрули “Охунбобоев” мавзесидан жойлашган эскифурушлар бозорини фотосуратга олаётган тошкентлик мустақил журналист

Қўлбола ўчок ва манқалларда овқатлар пиширилаётган, тижоратчилар ичак-қориндан тайёрланган сомса ва бошқа арзон таомлар билан қоринларини тўйғазадилар. Бунақанги бозорлар Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам бор.

Аммо фотосессия бошланиб беш дақиқа ўтмай туриб Волосевични милиция патрули қўлга олди. “Нега мени ушладингиз?” деган саволга милиция катта лейтенанти Юсупов “Кел, отделенияга борайлик”, дея жавоб бера олди, холос. Шундан кейин фотоаппаратнинг тасмасини

“Бу менинг шахсий мулким, мамлакатимизда фотааппаратдан фойдаланишни ҳеч ким тақиқлаб қўймаган”, дея билдирди у. Шундай қилиб у бир неча фотосуратларни саклаб қолди.

20 дақиқадан сўнг уни қўйиб юбордилар.

“У ерга бориш, расмга олиш керак эмас, у ерлар чатоқ жойлар”, - дея насиҳат қилди милиционер Юсупов у билан хайрлаша туриб.

Алексей Волосевич – ўзбекистонлик таниқли журналист, Тошкентда истиқомат қилади,

ФАРҒОНАДА “МАҲФИЙ” ОБЪЕКТНИ – ЭСКИФУРУШ БОЗОРИНИ СУРАТГА ОЛГАН ЖУРНАЛИСТ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Алексей Волосевични қўлга олди ва шаҳар милиция бўлимига келтирди. Бу ҳақда журналист телефон орқали Тошкентдаги ҳамкасбларига маълум қилди.

Алексейнинг айтишича, Фарғона шаҳрига бир кунга келиб бозордаги манзарага ва у ерда савдо қилаётган ёрқин типажларга фақат фотосуратчи сифатида қизиқиб қолган.

ушлаб торта бошлади. “Фотоаппарат қиммат туради”, - дея огоҳлантирди журналист. Юсупов бўралаб сўқинди, аммо тасмани қўйиб юборди. Кўринишидан, техникани бузиб қўйишдан хавотирланди.

Ички ишлар бўлимида Алексейдан фотосуратларни ўчириб ташлашни талаб қилдилар, аммо у бундай қилишдан қатъий бош тортди.

узоқ йиллардан бери қатор жаҳон миқёсидаги ахборот агентликлар, шу жумладан, Россиянинг “Фергана.Ру” ахборот агентлиги билан ҳамкорлик қилиб келади. У Андижонда содир бўлган 2005 йил фожиавий воқеаларидан сўнг ўқувчилар оммасига танилган.

“Фарғона” халқаро ахборот агентлиги



Менинг тишларим яхшигина эди, ҳаммаси бут-бутун, ҳақ оғримайди. Фақат битта камчилиги бор, юқориги қозик тишлар бир оз олдга туртиб чиққан. Буни халқ орасида “Ўғри таш”-дейишади.

Хуллас, шу ўғри тишлар менинг “хуснимни” бузиб турар эди.

Маслаҳатчиларнинг гапларига кўра, бу тишлар олдириб ташланса, бошқа тишлар сурилиб, ўрни тўлиб, тишлар теп-текис бўлиб қолар экан. Демак, мен бус-бутун тишларимни олдиришим керак. Аммо, айтингчи, ким тиш дўхтиридан кўркмайди? Менимча ундан кўркмайдиган одам бўлмаса керак. Иккинчи масала: Саддам Хусейн қўлга тушган ва олий жазога ҳукм қилинганини эшитган эдим. Бу жазо, осиб ўлдириш эканлигини ҳам эшитиб, мен жуда ғалати аҳволга тушиб қолдим. –Қандай

қилиб, ҳали айтарлик ёш, навқирон, бақувват инсонни ақлу-хуши жойида, инсон осииши, яъни ўлдириши мумкин.

Ахир, Аллоо Таолоо яратган бир мўжизани биз оддий ҳаракат, арқондан сиртмоқ ясаб, унинг бўйнига солиб, оёғи остидан табуреткани уриб, олиб ташлаб, кунфая кун қилсак? Қандай қилиб ўзимизнинг онгу-шууримиз билан етиб бўлмайдиган, “ҲАЁТ” аталмиш

ТИШ ОҒРИҒИ

бетакрор, олам каби бир сирли, ақл билан яратиб бўлмайдиган нарсани бир ҳаракат билан чилпарчин қила оламиз? Қандай қилиб, нафас олиб турган, ҳар бир хужайрасида ҳаёт лоппилаб турган тирик вужудни битта арқон солиш билан бир уюм гўштга айлантирамиз?! Бу саволлардан мен ақлдан озаёздим. Мен иштайманми, йўқми, бу ҳаёт ўз тартиб қоидаларига биноан давом этаверар экан.

Мана, ўғри тишларимни олдириб ташладим, Саддам Хусейнни эса осиб ўлдиришди.

Бу ҳаётнинг шафқатсиз қоидада давом этаётганлигини билдиради. Тиши оғриган, аммо ҳали тиш дўхтирига бормаган одам, доим хавотирда юради. Одамлардан қайта-қайта сўрайди, нима бўлади, қандай бўлади, оғрийдими, қандай оғрийдими?

Одамлар эса албатта ўз қаҳрамонлигини кўрсатишга интилиб, кўшиб-чатиб, ваҳима билан тиш олдириш, солдириш процессини тасвирлаб берадилар.

Саддам Хусейнни осиб ўлдиришди, мен уни осииш жараёнининг видеосини кўрдим. Сиз ҳам кўрган бўлсангиз керак.

Кўриш жараёнида сиз ҳам мен каби инсониятга, шу қабиҳ амалиётни бажараётган “инсон”ларга нисбатан нафрат, ўзимизга нисбатан надомат сезгандирсиз?

Бор йўғи 3-4 минут давом этадиган кадрлар... мана, Саддамни олиб келишяпти. Мана ҳукм ўқилаяпти. Мана, унинг бўйнига солинадиган, йўғон арқон, сиртмоқ. Мана Саддамга Қуръон тиловат қилинди.

Мана Саддам калима келтираяпти, жаллодла арқонни унинг бўйнига солишар экан, негадир арқон билан бўйин орасига рўмолча қўйишяпти. Кадрда шарақлаган овоз эшитилди, бир неча сониядан кейин Саддамнинг жонсиз танаси кўрсатилди.

Одамлар муқаддас араб тилида нималарнидир айтиб, хайкириб туришибди.

Тиш солдиришга борганингизда ҳам, аввал навбат кутасиз, навбат келгач худди Саддам сиртмоққа яқинлашиб бораётган ҳолатдагидай, юрак увишиб, креслога ўтирасиз. Врач келади, оғзингизни очасиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У оғзингизни текшириб бўлиб, керакли жойга нина санчади... процесс кетди... вақт ўтиб, тишларингиз теп-текислигини кўрган бошқалар тиш солиш қандай бўлишини сўрашади. Сиз эса кўшиб-чатиб, ўз қахрамонлигингизни кўрсатишга интилиб...

Ха, зулм кучайгандан кучайиб борапти. 24 йиллик умримиз гам-алам, азоб-укубат, хўрлик, тушкунлик ичида ўтди. Биз эса, “Кўй тинчлик керак!”-деб, ўғри тишларимизни рўмола билан беркитиб, Саддамларни қатл этишнинг нақадар жирканч нарса эканлигини ўйлаган ҳолда яшаб келаётимиз. Тинчлик, тинчлик, тинчлик!... Тиш эса ҳар тун оғриб, азоб беради. Биз эса эртага, тонг отса албатта дўхтирга бориб олдириб ташлашни ният қиласиз. Эрталаб эса янги кун ташвишлари билан андармон бўлиб, яна тиш олдириш колдирилади. Қизиқ ҳолат. Инсон психологияси шунчалар мураккаб. Тинчлик, хотиржамлик тилайман! Бу одатий сўзлар бизнинг психологиямизга ўрнашиб қолган. Гўё тинчлик бузилса, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетадигандай. Зулм – тинчлик, бу икки қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи ҳолатларни биз кўшиб кўйдик. “Зулм бор, аммо тинчлик ҳам борда!”

Бу “тинчлик”да болангизнинг қоронғи, совуқ уйда, оддий нон-чой билан ўтаётганлиги, тонг отар-отмай ибтидоий даврлардагидек ўчоққа таппи қалаб, чой қайнатиш, қора ундан пиширилган, суви қочган нон билан кифояланиб, эски президент тухфаси бўлмиш портфелни кўтариб кетаётган, рангпаргина болларингизга қараб, Худога шукр, тинчлик бўлсин, деб кўйишингиз.

Замон ўзгарди, тиш аралаш, таъмирлаш, солдириш шу қадар ривожланиб кетдики, агар тиш солдиришга байрамга боргандай кайфиятда борасиз,-десам ишонаверинг. Замон ўзгарди. Бугун ҳар қандай жиноятчини осиб, отиб, тоққа солиб ўлдириш ўрнига замонавий жиҳозланган, ўмрбод сақланадиган қамокхоналар мавжуд. У Чикотилло бўладими, Саддамми, Каддафими, бир умр, шу қамокда қилган гуноҳларига тазарру қилиб ўтишади. Мана энди сизни инсониятнинг нақадар тубанлиги масаласи тинч қўяди. Энди сизнинг қўлларингиз қонга бўялмаган, энди сиз инсонсиз. Зулм остида яшаб келаётган миллатдош, ватандошлар. Албатта, бу зулмдан қутилиш керак. Албатта биз ўз инсоний қиёфамизга қайтишимиз керак. Албатта биз чет элларда хўрлик, зорликда юрган га-

стербайтерларимизни, танасини савдога қўйган аёлларимизни ўз она ватанимизга, Ватан бағрига қайтариш, қайтарганда ҳам тинч, осуда, гўзал ҳаёт қучоғига қайтаришимиз лозим.

Албатта, сендан ҳаракат-мендан баракат, деган нақлга амал қилиш, зулм ўчоғи бўлган Каримов оиласи ва ҳамтовоқларидан қутилиш керак. Бу бутун халқ бир тан-бир жон бўлиб кўчага чиқиши, бир-бирининг кўзига ифтихор билан қараш, бир-бири билан фахрланиш орқалигина бўлади.

Буни инқилоб дейдилар.

Албатта, бир оз тинчликдан, лоқайд тинчликдан воз кечишга

ТИШ ОҒРИҒИ

тўғри келади. Лекин натижа ўларок, биз ҳаммамиз қўйлар тўдасидан инсонлар жамиятига айланамиз. Мақола бошида айтгандай тишларимиз бут, қўлларимиз тоза ҳолда бўламиз.

Биз урушга қаршимиз, Аммо бу зулмдан қутилиш учун ҳаракат керак. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати мана шу йўлда сизга кўмакдош бўлади.

Албатта, баъзиларнинг миясига ўрнашиб қолган, уззу кун телевидение орқали кўрсатилаётган қонли кадрлар бизни чалғитади. Биз инқилобни шундай тасаввур қилиб ўрганиб қолганмиз. Ва бундан ваҳимага тушамиз. Аммо замон ўзгарапти. Алмисокдан қолган услубларнинг ўрнини янги, замонавий технологиялар эгаллапти.

Шу сингари жаноб Мухаммад Солиҳ бошчилигидаги ЎХХнинг Ўзбекистон ичидаги тизилмаси ҳам замонага мос имкониятлар билан ҳаракат қилиш имкониятига эга тизилмага айланган. Унинг таркибида ақл фаросатда замонамизнинг илғор ғоялари билан иш олиб боровчи мутахассислар йиғилишган. Улар сиз билан биргаликда зулм машинасидан қутилиш механизмини ишлаб чиқиб, қўлини ҳаракатга келтириш тугмачасида тутиб турибди.

ҲАРАКАТ МЕХАНИЗМИ

30 миллионлик аҳолига эга давлат, Ўзбекистон Марказий осиеда энг етакчи давлат ҳисобланади. Саноат инфраструктураси ривожланган, улкан моддий ресурсларга эга бўлган жумҳурият. Аҳолиси интеллектуал жиҳатдан ривожланган. Бугунги кунда иқтисодий қийинчиликлар гирдобидида қолган халқнинг деярли 30 фоизи эмиграцияда. Ватанда қолганлар эса Каримов зулми остида охириги чегарага етиб қолган. Ҳукумат кейинги кунларда ўлим талвасаси, агония ҳолатида. 24 йилдан бери халқ

қонини ичб тўплаган бойликларини сақлаб қолиш мақсадида Гулнора-Твиттер-Иноятов- Каримов-Одил суд-Бойликларни юртга қайтариш-Аргентина музокаралаи...сценарийсини ижро этишяпти.

Демак, уларнинг шу даврда халқ билан ишлари йўқ. Ўзинг учун ўл етим. Яшайсанми, ўласанми, очмисан-тўқмисан, ишлари йўқ. Демак, халқ ўз ҳолига ташлаб қўйилди, жамият қонунларига кўра, хаос албатта янги тартибни келтириб чиқаради. Бугунги хаос анархияга айланиб кетмаслиги учун халқ бирлашиши, керакли йўналишни белгилаб, ҳаракат қилиши керак. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати халқ бирдамлиги асосида кураш йўлини белгилаб олди. Каримов зулм машинаси ич-ичидан емирилаётганлиги маълум ва ошкор бўлди. Куч ишлатар, қонун чиқарувчи, бажарувчи орган раҳбарлари Каримовдан ўрнак олган ҳолда, йиққан терган бойликларини халқ кўзидан узокроққа яширишга уриниб ётишибди.

Улар билишадики, бу ҳукумат ўз умрини яшаб бўлди. Энди у ўз ходимларини эмас, ўз ўзини ҳам сақлаб қолмайди. Ота боласини, бола отасини тепкилаб бўлсаям жонини сақлаб қолиш ниятида.

Шу вазиятда халқ оммаси кўчага чиқадиган бўлса, Каримов Аргентинсига жўнаб қолади. Чунки у ошини ошаб, ёшини яшаб бўлди. Унга энди на ҳокимият, на халқ, на ватан керак. У энди қолган умрини, бирор тинч гўшада, халқ қони эвазига йиққан боликлари устида, эртақлардаги аждаҳо мисол ўтказиш ниятида. 20 миллиард долларга ўз халқини сотган иблис қочаётир.

Биз эса бу ҳолатга ўз таъсири-мизни ўтказиш имкониятига эга бўлишимиз зарур. Яъни, ҳукуматни одил, халқпарвар, иймо-эътиқоди мустаҳкам инсон теварагида жиқслашиб, бундан буён элимизни хорлик, зорликка мубтало қилмайдиган ҳукуматга эга бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракат шу мақсадни кўзлайди ва амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солади. Токи зулмкорлар абадул абад таназзул гирдобидида ғарқ бўлсинлар. Халқ эса чин инсоний ҳаёт кечириш имониятига мушарраф бўлсин.

Р. С.

Тишинг оғрияптими? Дўхтирга бор. Асосийси бошлаш, процесс бошландими, у ёғига вазият ўз ўзини бошқариб кетаверади.

Иншооллоҳ, ҳақ йўл бизнинг йўлдир!

Эркин Садриев



Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова Twitter саҳифаси ёпилиб қолишидан аввал шов-шувли маълумотлар битилган мактубни эълон қилди. Рус тилида ёзилган хатнинг ўзбек тилига таржимасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кўпчилик рўй бераётган ҳодисалар нимадан ва қандай келиб чиққанини билмай ҳайрон қолмоқда... Ҳозирча буни таҳлил қилиш фурсати бўлмаса керак... вақт – энг яхши тошу тарозу...

Мени ҳар доим ҳаёт қизиқтирган, сен ҳар куни қилишинг мумкин

лари, ширкатлар ва психоаналитиклар ишлайди. Ҳеч нарса ўз-ўзидан рўй бермайди!

Мен ўзимнинг саркаш табиатим ҳамда ишлайдиган, яратадиган ва ижод қиладиган одамларни доимий ҳимоя қилишим билан анчадан бери баъзилар учун ноқулай бўлиб қолдим.

Ҳатто ҳозир ҳам вилоятларда аёлларни бепул диагностика қилиш, Йил Аёли (Лучшая женщина года), Янги Авлод (Новое Поколение), КО (Голос будущего), вилоят КО (Келажак овози демокчи-тахр.) Ёш Тадбиркорлар Мактабларида мастер класслари ва Дилемма ёшлар клубида саралаш танловлари бйўича ИШ-ЛАЁТГАНлар ҳақида ўз лентамда (Twitter саҳифамда демокчи-тахр.) информацияни... бахтли болалар, аёллар, профессионаллар ва ёшларнинг юзлари акс этган фотоларни кўриш мен учун бироз ғалати – бу ҳаммаси кўрпа тагида рўй бераётган беспределга ўзига хос контрастдир.

Буни тушиниш мумкин, айниқса, пули бор ва мутлақ ҳокимиятга интилаётган одамлар учун! Лекин яқинлар учун эмас...

Менинг инсоний қаддим (шахс

бориб-келиб туради ва ноқонуний товар айланмаси очикланиб қолмаслиги учун маҳсулотларни эшикнинг тагига олиб бориб беради.

“Акбар Абдуллаев онам ва синглимга ишлаган”

Бундан 1,5 йил аввал Фарғонадаги бир нечта заводга алоқадор қатор одамлар ва қариндошларга қарши бошланган ишнинг авж нуктаси ва финали октябрь ойида – бугун оммавий ахборот воситаларида танилган онамининг жияни Акбарнинг (Татьяна Каримова жияни Акбар Абдуллаев-тахр.) қамалиши билан яқунланди.

У (Акбар Абдуллаев демокчи-тахр.) ва унинг қатта командаси онам ва синглимга (Лола Каримова-тахр.) ишлаган, уларнинг баъзилари ҳозирда хорижда.

Улар учун бир нечта уй, дача, квартира куриб берган, уларнинг истаган нарсалар, синглим учун юлдузлар иштирокидаги базмлардан тортиб онам учун кийим ва тақинчоқларга олиб беришган.

Ҳар қандай “майда-чуйда”, бозор-ўчардан тортиб люстраларга-ча талаб қилиниши биланоқ Акбар

Г.КАРИМОВА: ОНАМ МЕНИ ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШДИ!

бўлган ва қилаётган нарсаларинг, баъзан ҳеч нарса қилмагандек бўлиб кўринадилар, ҳатто Фондларнинг (Фонд форум демокчи-тахр.) навбатдаги бир ойлик статистикасида юз минглаб турли авлод одамлари учун тадбир ва лойиҳалар амалга оширилгани, вилоятлардаги Келажак Овози, Меҳр Нури ва Аёллар Кенгаши марказларига қилинган сафарлар акс этганда ҳам... Менинг I'm alive (Мен тирикман-тахр.) кўшиғимдаги сўзлар шу ҳақда...

Лекин мен бу беҳуда эмаслигимга ишонаман!

Мени бошқа нарса ҳайрон қолдиради – нега одамлар, жуда яқин одамлар, ўзларининг профила-ри (хўжайинлари демокчи-тахр.) ва ташқаридаги манфаатдорлар қўлида курул бўлиб, бу нарсаларни йўқ қилишади?!

Ҳамма замонларда бундай фурсатдан фойдаланиб, рўй бераётган ҳодисалардан анча аввал программалаштирилган фитнес уруғини сочишади.

“... рўй бераётган ҳодисалардан анча аввал программалаштирилган фитнес уруғини сочишади”

Замонавий дунёда бу мақсадлар учун бутун бошли таҳлил тузилма-

сифатида ўсишим, демокчи-тахр.) оиламиздаги аёллар учун доимий ноқулайлик ҳиссига сабаб бўлиши тарихи ҳар доим бўлган... лекин бу вазиятдан келиб чиқиб ва улар (онам билан синглим демокчи-тахр.) билан мулоқот қиладиган одамларга боғлиқ тарзда ўзгариб боради!

!!!!Ҳиссётга берилганимда хато қилмаслигинг кафолатланмаган!!!!

“Менинг инсоний қаддим оиламиздаги аёллар учун доимий ноқулайлик ҳиссига сабаб бўлган”

Мен бу ҳақда онамга (президент рафиқаси Татьяна Каримова-тахр.) анчадан бери айтмоқчи бўлганман... у мен “унинг ишларига аралашадиган бўлсам”, мен билан боғлиқ нарсани йўқ қилишни ваъда қилди!

Лекин унинг (онамининг демокчи-тахр.) “ишларида” кейинги 2 йилдан бери рўй берган нарсалар ташвишга сабаб бўлмай қолмади.

Ҳамма “ўғирлаётган бўлса, нима бўпти” қабилидаги умумий кайфият, солиқсиз ва давлат божларисиз эксклюзив тарзда фаолият юритган Абу Сахий аслида бутун мамлакат учун, мамлакат иқтисодини айланиб ўтувчи божхона бўлиб қолган.

Бу ширкат самолёти Ўзбекистон билан Хитой, Туркия, БАА ўртасида

тарafdидан дарҳол етказилган!

“ФНПЗда ёки “Кварц”да онамининг қаноти остида хамирдан ишлар қил суғургандек борар эди.”

У шунингдек, ҳар бир янги очилаётган болалар уйи, ижтимоий объектларни жиҳозлаб берган, жумладан Қувасойдаги марказ, Хлеб-бушкина номидаги болалар уйи, қариялар уйи “Сен Ёлғиз Эмассан” жамғармаси ва шахсан Лола раҳнамолигида очилган бошқа маросимларни уюштириб берган.

Умумий ҳисобда бу каби 25 та объект, жумладан Тошкент яқинидаги Қумушқондаги масжид қурилган.

Мен у (Акбар Абдуллаев-тахр.) билан “босар-тусарини” билмай қолгани ва унинг устидан Фарғона ва айниқса ФНПЗда (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи-тахр.) шикоятлар кўпайиб кетгани сабабидан анча вақт гаплашмаганман.

ФНПЗда ёки Лола таъсисчи бўлган “Кварц”да (Қувасойдаги “Кварц” заводи-тахр.) ишлар онамининг қаноти остида хамирдан қил суғургандек борар эди.

“Акбар Абдуллаев Тимур Тиллаев билан жанжаллашган...”

(Давоми кейинги саҳифада)

Г.КАРИМОВА: ОНАМ МЕНИ ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШДИ!

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

Шунга карамасдан, онамнинг унга қарши таъқиблари кучайиб қолганидан кейин (қимдир буни Тимур Тиллаев билан жанжалга боғлайди, қимдир унинг, (яъни Акбарнинг-тахр.)

Москвадаги барча олган нарсаларини кўз-кўз қиладиган янги жазмани, яна қимдир Акбарнинг диний фаоллиги ва натижада болалар уйларига қилган ҳомийлиги “бошқаларни” сояда қолдириб юборгани билан боғлайди), Акбар менга муражаат қилди.

Бу пайтда унинг одамлари 2012 йилнинг ёз ойларидан бошлаб қамокда ўтирган эди, Акбар эса уларни қамокдан чиқаришга ҳаракат қиладиган эди. У 2012 йилнинг августидан ўз одамларини чиқаришда ҳамма нарсага тайёр бўлгани учун мамлакатга қайтди.

У (Акбар Абдуллаев-тахр.) талаб қилиниши биланоқ мамлакат ичи ва хориждаги барча мулкни топшириб, бошқалар номига ўтказиб берди.

“Акбар вақти-соати келиб портлайдиган бомбага айланди...”

Менинг ялинишларим онамга қор қилмади ва у қайсарлик қилди, оқибатда ФНПЗ, ёғ-комбинатлари ва бошқа заводларда текширувлар кучайди, ваъадаларга карамасдан одамлар жабр кўрди!

Ўшандан бери ҳамма нарса қандай қилинганини билгани учун Акбар вақти-соати келиб портлайдиган бомбага айланди!

Унинг ҳикоялари тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада эди, мен ва атрофдаги бошқалар кўпчилик бу ҳикояларни эшитишни истамас эди.

“Онам Акбарни қаматди, мени эса йўқ қилишга киришди...”

Мен Акбарнинг илтимоси билан уни отамнинг (президент Ислам Каримовнинг-тахр.) олдида олиб кирмоқчи бўлганимда, онам тездагина “ишга киришди” ва 2013 йилнинг октябрида уни қамокқа ташлади, мени эса бунинг учун йўқ қилишни ваъда қилди!

Мана у ҳозир (Татьяна Каримова-тахр.) шу ваъдасини бажаряпти!

Яқинларим орасидаги тортишувлар туфайли шунча одам, қимнингдир фарзандлари ва ота-оналари жабр кўраётгани ачинарли!

www.ozodlik.org



ТОШКЕНТДА “МАҲАЛЛА” САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА “ТАРАФДОРЛАР” ИЗЛАНМОҚДА

Маълумингизким, 2013 йил ноябрь ва декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳалла Ҳайрия Жамғармаси”да сайловлар бўлиб ўтади. Бу сайловларда маҳалла “оқсоқоллари”, қотиби ва посбонлари сайланади. 2013 йилнинг 15 ноябрь кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг вилоят, шаҳар ва туманларининг ҳар бир маҳаллаларида “сайлов участка”лари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда маҳалла раис (оқсоқол)ларини сайлаш, қизгин паллага кирди. Ҳозирги кундан бошлаб, маҳалла раислари ўзларига, “тарфдорлар”ни йиғиш ва топиш учун, жон бериб курашмоқдалар.

Айрим маҳаллаларда эса, собиқ ИИБ ва МХХ ходимлари ҳам ўз номзодларини кўрсатиши учун курашмоқда. Кейинги 10 йил давомида, яъни, ҳар бир маҳаллаларда Республиканинг шаҳар ва туманларидан Тошкент шаҳрига иш кидириб келган мардикорлар ҳам, “Маҳалла сайловига қатнашишлари мумкин” лиги айтилмоқда...

"ШАЙТАНАТ" ЎРНИГА "ЖИМЖИТЛИК" РОМАНИ

1998йили шарият кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат қилган ҳолда тўйимни ўтказдик.

Ўша вақтлар динга қарши давлат микёсидаги кураш авжига чиққанига қарамай исломий тўй деб аталувчи тўй қилдик. Қайин укам ўзимнинг шоғирдларимдан бири эди. Бир неча кундан сўнг у маҳалладан шундай гап топиб келди.

Бизнинг тўйимиз куни қайин укамнинг мактабда бирга ўқийдиган синфдошининг акаси ҳам уйланган экан. Аммо уларнинг тўйи жоҳилий “қизил” тўй бўлган.

Хуллас қайин укам ва синфдоши ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтибди.

Синфдоши айтибди:

Қачонки, Ўзбекистон Республикасида, “Маҳалла” “Депутат” ва “Президент” сайловлари бўлиб ўтса, шундагина мардикорлар “қора куч”лар эсга олинади.

Унгача бу мазлум инсонларни ўша сайланган, “клан”лар ҳисобга олишмайди. Ёки... “ДАНГАСАЛАР” деб қоралаш ёппасига авж олади...

Маҳаллаларда ижарага турган мардикорларнинг гарчи, “прописка”си бўлмаса-да, маҳалла раисини сайлаш учун, ёки унга овоз

бериши мумкин. Шундай вақтда Тошкент шаҳрининг “дом”ларида, “прописка”си йўқ фуқаролар сайловга қатнашишни “қўлга” киритишмоқда.

Ана шу қиска даврнинг ичида, маҳалла раислари ва “домком”лар ва ИИБнинг ходимлари ўзаро келишган ҳолда, мардикорларни излашадилар ва улар билан “шартнома”лар тузишадилар.

Бундай вақтда яъни, “агитация ва пропаганда” кетаётган даврда ИИБнинг ходимлари, “қар” ва “кўр” бўлиб олишади. ИИБ ходимлари ҳеч қимсанинг тинчини бузмайдилар.

Агар бирон қор-қол юз бериб қолгудек бўлса, унда ИИБ ходими томонидан ўша фуқарога, “огоҳлантириш” бериш билан “енгил жарима”га тортадилар.

Ҳозирги кунда ИИБнинг ходимлари, ҳар бир маҳаллаларда “ўз уйингни ўзинг асра!” шиори остида, ҳар куни ва ҳар кечаси кўчаларга чиқиб, “ит”дай сангишмоқда....

ФЕРУЗБЕК

- Ҳа, тўйлар қандай ўтди? Эшитишимизча, тўйда “Жимжитлик” романидан бир парча кўйганмишсизлар?! Ҳах-ҳах-ҳаа!

Исломи тўйларда фасод, ўйинкулги ва бақир-чақир бўлмагани учун синфдоши уни “Жимжитлик” романи деб, масхара қилмоқчи бўлган.

Қайин укам эса бу гапга жавобан пинагини ҳам бузмаган ва закийлик билан хотиржам қиёфада жавоб берган: - Ҳа ўша куни ҳамма шайтонлар акангни тўйида кўйилган “Шайтанат” романидан бир парчани томоша қилиш учун кетишган экан шекилли!

Шунинг учун бизларни тўйимиз алҳамдулиллаҳ тинч ва жуда яхши ўтди.

Фейсбукдан олинди

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Гулнора Каримова жамоатчиликка юзланиб, каримовлар оиласида фолбинларнинг хизматларидан биринчи бўлиб айнан ўзи фойдалана бошлаганини ошкор қилса бўлмасмикан?!

Масалан, синглиси Лола-ни козоғистонлик машхур фолбин Адхам Йўлдошев билан айнан ўши таништирганини айтса бўлмасмикан?!

Бундан ташқари, Гулнора Каримова оммага мурожаат қилиб, Адхам Йўлдошев билан у ўзининг “турмуш ўртоғи” Рустам Мадумаров орқали танишганини билдирса, нима бўлар экан?!

Гап шунда-ки, 2005-2006 йилларда, яъни Мадумаров ва Каримовалар ўртасидаги муносабатларга

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ “ОШХОНАСИ”ДАГИ ҲОЗИРГИ АЛҒОВ- ДАЛҒОВЛАРНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

совуқлик тушган пайтларда, “Дадо” гуруҳининг солисти Рустам Мадумаров кўшиқчи Юлдуз Усмонова орқали козоғистонлик фолбин Адхам Йўлдошевга чиқиб, ўзи ҳамда Гулнора ўртасидаги алоқаларни “илитиб” беришни илтимос қилган.

Шуни айтиш керак-ки, ушбу фолбин каримовлар оиласига айнан ўзбек шоу-бизнеси вакиллари, яъни ўзининг доимий мижозлари орқали кириб келган.

Шундай ҳоллар ҳам бўлган-ки, қилган хизматлари эвазига Адхам Йўлдошев Гулнора Каримованинг хизматларидан ҳам фойдаланган. Масалан, 5-6 йил илгари кўшиқчи Юлдуз Усмонова Адхам Йўлдошевни овозсизлик ва иқтидорсизликда айблаб, унга: “Тошкентдаги “Истиклол” саройида концерт беришга кучинг етмайди”, — дейди.

Шунда бу гаплардан дарғазаб бўлган Адхам Йўлдошев Гулнора Каримовага мурожаат қилиб, Юлдуз Усмонова юлдузлик касалига дучор бўлиб, ўзидан кета бошлаганидан шикоят қилади ва “кўзини ёғ босган” Юлдузни кенг сахнадан четлаштиришни илтимос қилади.

Шундай экан, Гулнора Каримова Twitter.Com тармоғидаги ўз мухлисларига мурожаат қилиб, Юлдуз Усмоновани давлат сахнасида айнан ўзи ва боз устига козоғистонлик фолбиннинг илтимосига кўра четлаштиргани ҳақида оғиз очса бўлмайдими?!

Бундан ташқари, Гулнора Каримова кенг жамоатчиликка юзланиб, Ўзбекистоннинг бутун сиёсий “чўққиси”, хусусан, Бош вазир Шавкат Мирзиёевдан тортиб майда-чуйда вазир ўринбосарлари ҳам Адхам

Йўлдошевнинг фолбинлик хизматларидан фойдаланаётгани ҳақида гапирса, нима бўлар экан?! Адхам Йўлдошев ўзбекистонлик “йирик тадбиркор” Салим Абдувалиевнинг уйида тез-тез меҳмон бўлиб туриши ҳақида ҳам бонг урса, нима бўлар экан?!

Яқинда Гулнора Каримова ҳе йўк, бе йўк ижтимоий тармоқларда ўзининг янги фотосуратларини эълон қилди. Ушбу фотосуратларда у исломий тарзда кийиниб, расмга тушган.

Ўз фотосуратларини шарҳлар экан, Гулнора Каримова Ислом дини аҳкомларига риоя этиши ва эрталаблари бомдод намозини ўқиши ҳақида ёзган.

Қизик: 2009 йил 22 декабрдан

23 декабрга ўтар кечаси Г.Каримова португалиялик футболчи Криштиану Роналдуни Ислом динининг қайси аҳкомларига кўра бирга ётишга мажбурлади экан?! 2009 йил 23 декабрь куни эрталаб ҳам, яъни машхур футболчи билан ўтказилган оташин тундан кейин ҳам Гулнора Каримова намоз ўқидимикан?!

Биз ушбу тун акс этган видеокадрларни Интернетда бажонидил эълон қилардик, лекин мазкур видеокомпромати бизга тақдим этган манбаларимизни зарба остида қолдиришни истамаймиз.

Агар Гулнора Исломова истаса, ушбу видеоматериални МХХ Ички хавфсизлик бошқармаси бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаевдан ёки ўзбек махсус хизматлари раиси Рустам Иноятовдан сўраб олиши мумкин. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Юқорида таъкидланганидек, Гулнора Каримованинг бизнес-тузиларига қарши бошланган ҳозирги босим ва Ўзбекистон сиёсий “ошхонаси”даги алғов-далғовнинг асл сабаби Европа суди томонидан ҳибсга олиниши мумкин бўлган бир неча миллиард доллар маблағ борасидаги ташвишдир.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан бошлаб юборилган босқиндан кўзланган асосий вазифалар эса хўжақўрсинга суд жараёнларини ўтказиш, суднинг “оламшумул” қарорларни эълон қилиш ва Ғарбда қолаётган пул маблағларини Ўзбекистонга қайтаришдир.

Ушбу “ватанпарварлик” қадамларини ташлаган Ислом Каримов ва Рустам Иноятовнинг

яқуний мақсади эса Ўзбекистонга қайтарилган пулларни аввалига оффшор хуудларига, кейин эса Аргентинага эсон-омон жўнатишдир.

Шундай экан, кенг омма алдов ва нозик ҳиссиётларга берилмай кўя қолгани маъқул. Чунки бу машмашаларда романтика ҳам, ватанпарварлик ҳам, ҳалоллик ҳам йўк!

Г.Каримова ҳақидаги компроматларни президентга тақдим қилишга қулай пайт топа олган, Гулноранинг пулларини ҳибсга олиб, Ўзбекистонга қайтаришни ва Аргентинага жўнатишни давлат раҳбарига ўз вақтида таклиф қилган Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятовнинг сиёсий сезгирлигига ҳам тан бермадан иложимиз йўк.

Ахир, бу таклифларни ўртага ташлаётганда Иноятов ўзини президентнинг қизини жазоловчи шахс сифтида эмас, Каримовнинг миллиардлари ҳақида қаттиқ қайғуратган содик киши сифатида тақдим қилган.

Мақоламиз сўнггида: “Нега Ислом Каримов яқуний бошпана сифтида бошқа мамлакатни эмас, айнан Аргентинани танлади?” – деган саволга ҳам жавоб бермоқчи эдик.

Аргентина варианты Каримовга Бухоро Яҳудийлари Умумжаҳон Конгресси раҳбарияти томонидан таклиф қилинганини эътиборга олсак, ушбу мамлакатда сионизмга хизмат қилувчи масон ложалари ва бошқа тузилмаларнинг мавқеи мустаҳкамлигига шубҳа қолмайди.

Аргентина махсус хизматлари директори лавозимини 1946 йилдан бери асосан этник яҳудийлар (Рудольф Фрейд, Роберто Левингтон, Рамон Кампс, Анибаль Гордон ва бошқалар) эгаллаб келгани ҳам Аргентинада сионизм чуқур илдиз отганидан далолат беради.

SIDЕнинг ҳозирги директори Эктор Икасурига (Эктор Кац) ҳам этник яҳудийдир. Шуни таъкидлаш керак-ки, SIDE амалда Исроил махсус хизматлари МОССАДнинг Жанубий Америкадаги норасмий бўлинмасидир.

Аргентина махсус хизматларининг яна бир норасмий куратори АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармасидир. Аргентинанинг ўзи эса давлат сифатида умумжаҳон сионизмининг Жанубий Америка китъасидаги асосий таянчидир.

Аргентина махсус хизматлари ва давлати ўз фаолияти давомида бор кучлари билан Исроил ва АҚШ ҳукуматларининг сиёсий буюртмаларини бажариб, бутун Жанубий Америка бўйлаб (Чили, Боливия, Венесуэла, Бразилия ва бошқа давлатларда)

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ “ОШХОНАСИ”ДАГИ ҲОЗИРГИ АЛҒОВ- ДАЛҒОВЛАРНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
муҳолифат кучларини бостириш йўлида хизмат қилиб келганлар.

Масалан, АҚШ махсус хизматларининг топшириғига кўра, SIDE жосуслари машҳур инқилобчи Че Геваранинг майитини хўрлаб, ўликнинг қўлларини кесиб, юзига кислота сепишган.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керак-ки, Аргентинанинг молиявий даромад олиш манбаларидан бири барча тоифадаги мустабид ва жиноятчилар учун пуллик сиёсий бошпана беришдир.

Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Аргентина ҳаттоки нацизм Германияси лидерларини ҳам ўз бағрига олиб, уларга Аргентина паспорти ва сиёсий бошпана берди, бу “илтифот” учун улардан катта маблағлар ундириб олди.

Бухоро Яхудийлари Умумжаҳон Конгресси раҳбари Борис Қандов президент Ислом Каримовга осовишта умр кечириш учун энг беҳатар мамлакат сифатида Аргентинани айнан шу сабаблар туфайли таклиф қилди.

Ислом Каримов ва каримовлар оиласининг Аргентинага иложи борича тезроқ жўнашидан ўзбек махсус хизматларининг бошлиғи Рустам Иноятов ҳам манфаатдордир.

Шу сабабдан Иноятов “Аргентина” махфий лойиҳасининг биринчи, яъни молиявий босқичини тезроқ бошлаш ишқиди ёнмоқда.

Ислом Каримов ва каримовлар оиласи ўз ташаббуси билан Аргентина томонларга қоча бошлашини тезлаштириш учун эса Иноятовнинг “идора”си ўзига хос “оммавий тартибсизликлар ва аксилхукумат чиқишларини” уюштира кифоя.

Воқеалар шу зайлда давом этадиган бўлса, Иноятов Ўзбекистоннинг ягона ва амалий ўзбайинига айланади.

Ҳодисаларнинг шу йўсинда илгариллаши Иноятов учун Ўзбекистоннинг сиёсий бошқарувини ўз аймағидан чиққан одамга эркин бериш имкониятини яратиб беради.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос

Гулнора Каримова томонидан мувофиқлаштирилиб келинган “Fond Forum” фаолияти юзасидан ўтказилаётган комплекс текширувлар жараёнида Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи ва Тошкентдаги нуфузли butikлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг чизгиси аниқланди. Текширувларнинг дастлабки натижаларига кўра, жамғарма фаолиятига хомийлик қилиш эвазига пойтахтдаги butikлар ўзларининг сўм маблағларини эркин айирбошланадиган валютага конвертация қилиш ҳуқуқини олиб келишган. Шундай қилиб...

Конвертация эвазига қилинган хомийлик

Молиявий ҳамкорликнинг бундай чизгиси “Fond Forum” ҳамда “Glamour”, “Mango”, “United

Дастлабки ҳисоб китобларга кўра, Гулнора Каримова ва унинг жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келган butikлар учун Т. Гуськова жами 550 миллион долларлик маблағни конвертация қилишга розилик берган.

Молия вазири ўринбосарининг мазкур масала бўйича қарорлари қонунга зид равишда чиқарилган. Чунки Ўзбекистон президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига биноан фақат стратегик аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқатлар (ун, шакар, ўсимлик ёғи ва хоказолар), ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни олиб кириш учун мўлжалланган маблағларгина хорижий валютага конвертация қилиниши мумкин.

У. ҲАҚНАЗАРОВ: ТОШКЕНТДАГИ БУТИКЛАР ВА ГУЛНОРА КАРИМОВА ЎРТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЧИЗГИСИ АНИҚЛАНДИ

Colours of Benetton”, “Аты-Баты”, “Zara” каби таниқли butikлар ўртасида ташкил қилинган. Бундай ҳамкорлик ишларида иштирок қилган ҳар бир butik Гулнора Каримованинг талабига кўра жамғарма ҳисоб-рақамига 100 мингдан 300 минг АҚШ доллари миқдорига тенг сўм маблағларини ўтказиб келган.

Эвазига эса butikлар жамғармага ажратилган маблағлардан икки ва уч маротаба катта маблағларни хорижий валютага конвертация қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлишган. Бу ишларнинг асосий ижрочилари Гулнора Каримова ва Акбарали Абдуллаев бўлишган. Акбарали Абдуллаев президентнинг тўнғич қизи ва пойтахт butikлари ўртасида воситачи вазифасини бажариб келган.

Г.Каримованинг асосий вазифаси эса Ўзбекистон молия вазирлигига мурожаат қилиб, butikларнинг сўм маблағларини конвертация қилиш масаласини илгари суриш бўлган. Дўконлар сўралган пулларни “Fond Forum” ҳисоб-рақамига туширишлари билан Гулнора Каримова конвертация масаласи бўйича молия вазирининг ўринбосари Татьяна Гуськовага мурожаат қилган.

Ўз навбатида Гуськова президентнинг тўнғич қизи томонидан берилган топшириқларни бекамукўст бажариб келган.

Албатта, butikларда сотилиб келинган кийим-кечаклар на стратегик аҳамиятга эга озиқ-овқатлар, на ишлаб чиқариш ускунаси турига қиради.

Лекин Татьяна Гуськова Гулнора Каримованинг “илтимос”ларига кўра пойтахт butikларининг маблағларини конвертация қилиш ҳақида буйруқлар чиқариб келган.

Давом этаётган текширувлар жараёнида яна шулар аниқландики, конвертация ҳуқуқини қўлга киритган butikлар иложи борича каттароқ миқдордаги пулларни конвертация қилиш мақсадида банкларга “ёт” нақд пулларни, яъни butikларнинг савдосига алоқаси бўлмаган пулларни савдолардан тушган пуллар сифатида топшириб келишган.

Бундан ташқари, butikлар пулларни нақдлаштириш каби жинойи чизгилар бўйича нақд бўлмаган маблағларни сотиб олиб, кейинчалик хорижий валютага конвертация қилиб келишган.

Бошқача айтганда, молиявий ҳамкорликнинг ушбу чизгиси ҳар иккала томон учун – Гулнора Каримова учун ҳам, butikлар учун ҳам — фойдали бўлган.

Бундай ҳамкорликдан давлатнинг валюта захиралари зарар кўрган холос. Шундай қилиб...

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)***Қора булутлар**

Яқунига етаётган комплекс текширувлар натижасида фақат юқорида номи келтирилган буттикларнинг устида эмас, балки Ўзбекистон давлат бюджетидagi валюта маблағларни олди-орқасига қарамасдан тарқатган молия вазирининг ўринбосари Татьяна Гуськованинг устида ҳам қора булутлар пайдо бўлди.

Тахминларимизга кўра, ушбу ва бошқа қилмишлари учун Гуськова жиноий жавобгарликка тортилса керак.

Г.Каримовага тегишли “Fond Fogum” ва бошқа лойиҳаларнинг фаолияти комплекс текширувдан ўтказилгандан кейин баъзи қўшиқчи ва бастакорларнинг, айниқса “Тули опа”сидан хорижий валютада нақд гонорарлар олиб юрган санъаткорларнинг ҳам тинчи бузилди. Хусусан, Райхон Ғаниева, Жаҳонгир Позилжонов, Алишер Узоқов, Абдухошим Исмоилов,

ишдан олинган. Чунки Ёқуб Аҳмедов Кубаевани спектаклларга доим кеч қолишлари ва баъзи спектакллар постановкаларини қолдирганлиги учун жазолашга уриниб кўрган эди.

“Опа”сининг қўллашларини хис қилган Дилноза Кубаева репетицияларга боришни тўхтатган, “Мен фақат спектаклларнинг постановкасига келаман”, — деб, театр раҳбарияти олдида ўз шартини қўйишгача борган.

Миллий театр раҳбарияти унинг бу шартига мажбуран розилик билдирганда эса Кубаева постановкаларга кеч қолиб, постановкаларни қолдира бошлади.

Энди Дилноза Кубаева Гулнора Каримованинг қўлларидан хорижий валютада нақд гонорарлар олганлиги учун мамлакат тергов идоралари олдида жавоб берса, Миллий театр жамоаси ва раҳбарияти олдида “Тули опа”сининг олтин даврида кўрсатган “хунарлари” учун жавоб беради.

У. ҲАҚНАЗАРОВ: ТОШКЕНТДАГИ БУТИКЛАР ВА ГУЛНОРА КАРИМОВА ЎРТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЧИЗГИСИ АНИҚЛАНДИ

Дилноза Кубаева ва бошқа актёр, қўшиқчи ва бастакорлар нақд валютада гонорар олганлик масаласи бўйича сўроқ қилиндилар.

Таниқли санъаткорларнинг бундай қийин аҳволга тушиб қолганликлари юзасидан афсус билдирган ҳолда шунини ҳам холисона айтиш керакки, “қудратли Гули”нинг кўмагидан фойдаланган баъзи шоу-бизнес юлдузлари одамлар ва ҳамкасблари билан қилган кундалик муносабатларда ўз “опа”сидан ўрнак олиб, атрофдаги кишиларга нисбатан беҳурмат ва беписанд муносабатда бўлиб келганлар.

Мисол тариқасида актриса Дилноза Кубаевани келтириш kifоядир. Гулнора Каримованинг ҳайрихоҳлигидан фойдаланган Дилноза Кубаева нафақат Миллий театрдаги (собик Ҳамза номидаги театрдаги) ҳамкасблари, балки ушбу театр раҳбариятини ҳам бир тийинга олмай келган.

Жумладан, театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов айнан Дилноза Кубаеванинг шикоятини ва кейинчалик Г.Каримованинг талаби билан

Гулнора Каримованинг теваарида ўралашиб юрган бошқа шоуменларни ҳам шу қисмат кутмоқда. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Тахмин қилинганидек, Гулнора Каримовага қарши бошланган иш ҳукуматга керак бўлган тезликни imagesпоглолиб улгурди. Гулнора Каримова билан боғлиқ одамларни ҳисбга олиш ва сўроқ қилиш ишлари кундан кунга ортишига ҳеч шубҳа йўқ.

Эслатиб ўтаман, ушбу ўйиндан кўзланган асосий мақсад Гулнора Каримовани жазолаш эмас, балки президентнинг тўнғич қизига тегишли хорижий маблағларни ҳисбга олиш, Ўзбекистонга қайтариш ва сўнгра Аргентинага жўнатишидир.

Шу сабабдан бу ўйин натижасида ўйиннинг фақат иккинчи даражали иштирокчилари жабр кўришади, унинг асосий ўйинчиси — Гулнора Каримова — эса жиноий ишдан ҳам, кутилаётган суд жараёнидан ҳам амалда ҳеч қандай зарар кўрмайди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатишунос

ҚУТҚАРУРМИСИЗ?!

Бу кунга чидам йўқ,
йўқ эрур сабр,
Тушимда қийноқ бор,
ўнгимда жабр.
Яқинлашмоқдадир тобора қабр,
Мени бу фурсатдан
қутқарурмисиз?!

Талай одамларга йўлиқдим,
улар
Катта ваъдалар-ла
дўстларим бўлар,
Сўнг тинмай пинҳона
ғийбатим қилар,
Мени бу
қулфатдан қутқарурмисиз?

Аҳлимга боқаман, нигоҳи ёмон
Қалбидан сизилиб
чиққанда гумон...
Аҳдлаша олмасак,
бу қандай замон,
Мени бу
офатдан қутқарурмисиз?

Жужуқларим йиғлар
истабон сабоқ,
Мен улар олдида
қўйгум қўғирчоқ...
Шайтоннинг айтгани
ғолибдир бу чоғ,
Мени бу
даъватдан қутқарурмисиз?

Охират қайғуси йўқолиб қолса,
Гўзал санамчалар
кўнглимни олса,
Дунёнинг ишлари ажабга солса,
Мени бу
ҳайратдан қутқарурмисиз?

Энг сўнги ишончим
қайгадир ташиб,
Иймон қочиб кетса
тоғлардан ошиб,
Унинг ортидан зор кетсам
эргашиб,
Мени бу
ғайратдан қутқарурмисиз?!

Ҳаёт давомига етмаса кўзим,
Тигдек ботмаса гар
айтилган сўзим
Бошқара олмасам ўзимни ўзим
Мени бу
ҳасратдан қутқарурмисиз?

... Бу кунга чидам йўқ, йўқ
эрур сабр,
Тушимда қийноқ бор,
ўнгимда жабр.
Яқинлашмоқдадир тобора қабр,
Мени бу
фурсатдан қутқарурмисиз?!

Хайрулло Ҳамидов

У қувончни биздан яхшироқ билгани учун ҳам шоирдир. Изтиробнинг теранликларини кўргани учун ҳам биз уни ҳурмат қиламиз...” “... чунки шеър ҳақиқий маънода бир портлаш демакдир.

Шеър – портлаш яраёнининг қозғоғи сурати. Шеърдаги мантиқ сиз билан бизга эмас, ўша мантиққа бўйсунди.” (Қаранг: “Соддадиллик ёзибаси”, Кўзи тийран дард, 1990, саҳифа 59-62).

Муҳаммад Солиҳнинг бу ифодаларида билҳосса шеърнинг манбаи ўларок зикр этгани “кутиш туйғуси” диққатга моликдир.

“Кутиш” Солиҳнинг шеър дунёсининг марказини ташкил этган

М.Солиҳ:

Жаҳонда хонтахта деган Кенглик бор, Дунёда Эрк бордир шеърият деган... мисралари билан шеър санъати, туйғу ва фикрларини ифода этувчи ягона восита эканини эълон қилади.

Хуррият фақат шеърнинг худуди ичида танаффус эта билмақдадир. Шоир хонтахта ёни ва бўйи ичидаги хурриятни тасвирламоқдадир.

Ҳолбуки, шеър Оллоҳнинг бир лутфидир. Шоир ўзининг “Бошоқдай мухтасар” исмли манзумасида шеърнинг орқасига шундай тушади:

*Бошоқдай мухтасар,
Дон каби кичик,
Бир шеър, бир асар,
Оллоҳим, бер-чи.*

Бу шеърда шоир инсонларнинг тилида гаплашган кун сочлари оқариб кетганини ёзади... Шоир “Касбимиз” шеърида ўз касби ҳақида яхши сўйласа ҳам, ёмон сўйласа ҳам шоирнинг касби сўз сўйламақдир дейди:

*Яхшим, ёмонми,
касбимиз - сўздир,*

Биз айтган сўздан

тош эримаса ҳам.

*Чиқиб кетмаса ҳам илон унидан,
Бу касбдан тонмаймиз бари бир.
Девор пайдо бўлса рўпарамизда
Унга ҳам бошларни урмаймиз -
Иш шу бўлгандан сўнг,*

гапирамиз-да,

Сўзлайман деворга, қараб турмаймиз.

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

муҳим унсур. Унинг кўпчилик шеърлари эртага (келаякка) оид фикрларини қаламга оларкан (“Кутаман”, “Эртага” каби шеърлар), шоирнинг ҳақиқатан ҳам кутиш ёзибасига асир бўлганини кўрамиз.

“Кутаман” шеърида Солиҳ бошқаларнинг кутганидан бошқа нарсаларни кутади, яъни: “Кутилмаган нарсаларни кутиб ётаман” дейди. Одатда ҳеч умид қилинмаган нарсаларни кутиши бу “жозоба”нинг нақадар шиддатли эканини кўрсатади.

Кутиш – ҳаётдан келган мамнуниятсизликлар сабабли ҳолдан (бугундан) истиқболга илтижо этмақдир.

Шоир “Эртага” номли шеърида бу тушунчасини жуда аниқ шаклда ўртага қўяди:

ЭРТАГА

*Эртага шубҳасиз бахтли бўламиз
Бугун ўлмасак.*

Эртага орзуни қувиб этамиз

Бугун чополсак.

Эртага

Қувонч улашамиз ҳаммага

Агар уни бугун тополсак.

Шоир куйламайди гамгин

куйларни

Ҳаётдан шикоят деярли бутун шоирларда бор. Бугунгисидан яхшироқ турмушга эришмоқ орзуси бутун шоирларнинг муштарақ орзусидир. Лекин Совет режимида яшаган бир шоир бўлиши Муҳаммад Солиҳни бошқалардан айратиб туради.

Муҳаммад Солиҳ илк шеърларини 1970 йилларда ёзиб, нашр эттирган. Ўлкаси ишғол остида бўлган бир шоирнинг фикрий турғунлик замонида, сўз эркинлиги йўқ бир замонда, сензура замонида ўз умидларини истиқболга томон ташлаб, юришда давом этиши албатта, уни бу ҳолатда яшамаган шоирлардан ажратиб туради.

Кўп эмас, битта,

То кичик қизнинг

Булбулдай митти

Кафтига сизсин!

Муҳаммад Солиҳ излаган шеърини бу мисраларида очиқ тасвирлайди. Шеър дон каби кичик, аммо бошоқдай мухтасар бўлиши, яшаган ҳаётининг тўла акс-тасвирини ўзида ташимоғи керак. Шоир шеърларидаги ҳаёт бутун қирралари билан акс этмоқдадир. Муҳаммад Солиҳ санъаткорнинг ўз виждони олдидаги маъсулиятини кадрлайди. Бир фикрнинг ҳаммага тенг эшиттиришига интилиш санъаткорлик ҳисобланмаслигини айтади ва плакат билан минатюра ўртасидаги фарқни тушунтиради.

Санъат тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бир ёзувида санъаткорнинг оломон иродасига бўйсунмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий шеър “тушунарли бўлиши учун ўз чўққисидан пастга тушмаслиги” керак. Аксинча, ўқувчининг ўзи у чўққига чиқмоқ учун ғайрат кўрсатиши лозим, дейди шоир. Яна у “бир пайтлар шоирларнинг авлиёлар билан мусобақа қилгани”ни ёзади.

Муҳаммад Солиҳ 1980 йилда ёзган бир шеърда шундай дейди:

ШОИР

Тамаки ҳидидан тугулган девор,

Меҳмондан чарчаган дастурхон,

Унда олмаларнинг қолдиги,

Ғийбатлар қолдиги ётибди.

Қурсида ўтирар кўзлари ботиқ,

Сочлари оқариб кетган қуш.

Сайрашини унутган,

Бизнинг тилимизга ўтиб олган у.

Бизнинг тилимизда гапирган кун

Сочлари оқариб қолган қуш.

Муҳаммад Солиҳ бу мисраларда шоирнинг ҳис, ҳаёл, фикр нуқтаи назаридан бошқа одамлардан фарқли бир шахсият эканлигини билдиради.

Шоир “Одам” номли шеърда ҳаётининг, нафақат ҳаёти, ҳатто бутун борлигининг сўздан иборат эканини тан олади:

*Қарғиш тегмас, тегмас менга кўз
Чунки йўқман – шаффофдир
танзим...*

*Отам, онам, севгилим ҳам - сўз,
Фикр, оний фикр - ватаним!*

“Шоир халқи” номли мансурасида эса шоирларнинг бир миллат эканини сўйлайди:

Шоирнинг отаси камбағал,

Онаси касалванд.

Шоирнинг хотини йўқ,

болалари кўп.

Шоирнинг ҳаёти Маширда ҳам,

Мағрибда ҳам бир хил.

Шоир халқи – дунёнинг тўрт тарафига сочилиб кетган миллат!

Муҳаммад Солиҳ, баъзи истиснолардан ташқари, шеърларини 1985 йилдан аввал ёзгандир. Советлар Иттифоқида 1960 йилларда бу тарихга қадар давом этган турғунлик йилларида асар ёзмоқ жуда ҳам осон иш бўлмаган.

Хрушчев даврида нисбатан эркинроқ ёзган санъаткорлар билҳосса 1970-йилларда сиёсий ва ийтимой тазйикларга маъруз қолганидан совет мафкураси таъқиқлаган миллий тушунчаларни ифодалаш учун янги ифода усулларини қўллаганлар. Айниқса, шеърда ўзини кўрсатган бу янгилик ўқувчи тарафидан қийин тушунилган ёпиқ бир шакл сифатида ўртага чиқди. Муҳаммад Солиҳ бу хусусда “бунга биз у пайт шеърда метафоризм исмини бердик...”

Албатта, бу янги шеърни англай билмак учун ўқувчидан ҳам маълум тайёргарлик талаб қилинар эди. Бундан андишаланган танкид, бир ора шов-шув ҳам кўтарди.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Феромонлар

Феромонлар - микроорганизмлар, микроблар, монитор (замбуруғ), ўсимлик, хашоратлар, хайвон ва одамгача - бутун жонзодларда бир-бирига нисбатан кўркув, ҳукронлик, жинсийлик ва бошқа ижтимоий ҳатти-ҳаракатни белгилайдиган моддалардир.



Феромонлар 2 гуруҳдир:

Биринчиси, вужуднинг исиши билан буғланиб, партикуляр ҳолда тарқайдиган ёғсимон кимёвий хидлар. Булар ҳатти-ҳаракат ўзгаришига олиб борадиган сигнал-феромонлардир.

Иккинчиси - ўпишганда ва тери воситасида ўтадиган жинсий гормонларнинг ишлаб чиқарилишини орттирган протеин шаклидаги хидсиз феромонлар.

Феромонлар кўлтиқ ости, аёл кўкраги учлари, бурун тешиклари орасидаги тери, устки лабда, теридаги қил остларида; сўлак, бурун, сийдик, ахлат ва вагинал суюқликларда мавжуддир.

Феромонлар ижтимоий ҳатти-ҳаракатларни, жинсий гормонларни, ҳомилаликни, расидалик ва ёки қариликни назорат этади. Эр-хотин ўртасидаги уйғунликни таъминлайди. Бир неча гормонни фаоллаштириб, метаболизмни кучайтириши мумкин.

Бирор бир туйғу энг юксак чўккига чиққанида ёки ўлим онида, ўлимдан бир оз сўнгра феромонлар ҳам ўзларининг энг юқори чўккисига чиқади. Хидларнинг нафас орқали кириши бурун ичида жойлашган «vomeronasal organ» воситасида амалга ошади ёки тери воситасида эмилади ва ҳужайраларга киради.

Хид - мия тарафида назорат қилинмасдан, тўғридан-тўғри вужуддаги зарур манзилга етиб борадиган ягона сезги. Хиддан бошқа бутун сезгилар мияга келиб, у ердан тарқатиш маркази орқали вужудга тарқалади.

Табиий хидларнинг инсон руҳига ижобий таъсири ҳақида анча-мунча тадқиқот бор. Табиий хидларнинг хотирани кучайтирувчи, оғриқни тўхтатувчи, ором олдирувчи, бахтиёрлик ҳисси уйғотувчи хоссалари бор.

Аммо синтетик хидлар хотирани заифлатувчи, ғамгинлик туйғуларини, депрессияни кучайтирувчи нейротоксик кимёвий моддаларга эга. Улар астма, синусит каби аллергияларга, буйрак, юрак, жигар, ўпка ва иммун системасини ҳароб қилишга, ҳомиланинг тушишига, простата ва кўкрак ракига, диабет, гипертирозидизм ёки гипотирозидизм касалликларига; жинсий органларнинг анормал етишувига, жинсий гормонларнинг бузуқлиги ва бу сабабли гомосексуализмга сабаб бўлмоқдадир. Кўпчилик хушбуй хидларнинг асрлар аввал олингани каби гул ва чечаклардан олинган ва шунга яраша табиий ва зарарсиз деб ўйлайди. Холбуки, бугун парфюм ишлаб чиқаришда синтетик феромонлар қўлланмоқда, 95 % хом нефтдан қилинмоқда. Ичидаги кимёвий моддаларнинг аксарияти мутагендир, токсик ва кансароген (рак) психотропик моддалардир. Шунингдек, бу моддалар табиий атирдан 200-2000 марта қувватлидир. Табиий атир (хид) қисқа вақт ичида таъсирини йўқотади, аммо сунъий (синтетик) парфюм-атирлар йилларча йўқолмайди, фақат 260 даража иссиқликдагина йўқолиши мумкин.

«Greenpeace»нинг 2005 йил қилган бир тадқиқотида тасбит этилган «фталат эстерлари ва синтетик мушк» парфюм ичидаги кимёвий захарлардан фақат иккитасигина холос. Энг кўп қўлланилган 25 атир (парфюм)ни тадқиқ этиб, улар атрофга 17 тур захар сочгани ҳам аниқланди. Булар ичида парфюмлар, алкогольсиз эссенциялар, спрейлар, автомобилга сепиладиган атирлар, детержанлар, юмшатувчилар, лосьонлар, баданга суриладиган хушбўйликлар, шампунлар ва ҳоказо бор эди. Булардан синтетик остроген ва андрогенлар (синтетик мушк) - қисирликка, кўкрак ракига сабаб бўлса, фталатлар - манийнинг бузилишига олиб келмоқда.

Баданга сурилган парфюм ва лосьон каби хушбуй моддалар 30 дақиқа ичида баданга сингиб, вужуд тўқималарига киради ва органларга етиб боради, она сугига аралашади. Шу сабабли кўпгина чақалоқлар ўз оналарини эма олмаяптилар.

Бу захарли кимёвий моддалар атир(парфюм) қўлланган ҳар кишининг идрориди (сийдигида) тасбит этилмоқда. Яна-да кўркинчилиси, дунёга келган 10 чақалоқдан 7 тасининг идрориди айни кимёвий моддалар топилмоқда.

Хидлар (атирлар) она корнидаги боланинг жинсий ривожланишига ҳам зарар беради; киз болаларнинг вагина торлиги, эркак боланинг пенис ва мойк безларининг ўсмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Кийимга сепилган парфюмларда ёки хидли детержанларда тақлика яна-да катта, чунки улардаги хидни йўқотиш амри маҳолдир. Парфюмлардаги остроген каби моддалар - эркакларда, детержан ва баданга суриладиган хид-кремлардаги тестостеронсимон моддалар - аёлларда гипоталамусда феромон таъсирини уйғотгани учун бу моддаларга боқимандалик пайдо бўлиб, эркакнинг аёлга, аёлнинг эса эркакка жинсий лоқайдлигини туғдирмоқда.

Табиий атирлар вужуддаги гормон ва руҳ мувозанатига иммун системаси назоратидагина таъсир қила олади. (Маълумки, дунёда энг машхур атирлар Страсбургда ишлаб чиқарилади).

Синтетик атирлар эса табиийларидан 200 марта кучли бўлгани учун, уларнинг таъсири иммун системасини топтаб ўтиб, протеин ва энергия ишлаб чиқариш жараёнини, руҳ ва зехн фаолиятини, ҳатти-ҳаракат бошқарувини тамоман ишғол этади.

Бугун хидларнинг нейрологик хусусиятидан иш жойида меҳнат унумдорлигини юксалтириш, маркетларда сотишни орттириш учун, стрессли давраларда инсонларда хузурга эриштириш учун фойдаланишига уринмоқдалар. Яна-да олдинга кетиб, бу услуб ила инсон ҳатти-ҳаракатларини бошқаришга, зехний фаолиятларни назорат остида тутишга уринмоқдалар.

Олмониялик ёзувчи Патрик Сускинднинг «Das Parfum» деб аталган романида парфюмларнинг таркиби, уларнинг ишлаб чиқарилиши, зехнга ва руҳга таъсири ҳақда батафсил ҳикоя қилинади.

Ҳатто бу роман асосида «Parfume» номли фильм ҳам ишланди. Фильм қаҳрамони бир қотил. Бу кимса баданида хид бўлмаган, кўримсиз, ҳатто итлар (уларнинг хид олиш қобилияти кучли бўлади) ҳам этибор қилмайдиган бир махлуқ.

Ойдин СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош